


Бану Исроилнинг аҳдни қандай бузгани ҳақида



19:00 / 21.01.2025 1573

رُسُلًا إِلَيْهِمْ وَأَرْسَلْنَا إِسْرَءِيلَ بَنِي مِثْقَ أَخَذْنَا لَقَدْ

كَذَّبُوا فَرِيقًا أَنْفُسَهُمْ تَهْوَىٰ لَا يَمَارِسُ جَاءَهُمْ كَلِمًا

يَقْتُلُونَ وَفَرِيقًا ﴿٧٠﴾

70.«Батаҳқиқ, Бану Исроилнинг аҳду паймони́ни олди́к ва уларга расу́ллар юборди́к. Ҳар қачон бирор расул уларнинг нафслари истамайдиган нарсa келтирса, бир гуруҳини ёлғончига чиқариб, бир гуруҳини қатл қилар эдилар» (Моида сураси, 70-оят).

Яҳудийларнинг Исло́м Пайғамба́ри Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга муносабатлари, душманликлари янгилик эмас. Пайғамбарларга салбий муносабатлари эса узоқ тарихга эга.

Ояти карима шу ҳақиқатни баён этиш билан бошланмоқда:

«Батаҳқиқ, Бану Исроилнинг аҳду паймони́ни олди́к ва уларга расу́ллар юборди́к».

Демак, Аллоҳ таоло пайғамбарларни юборишдан олдин Бану Исроилдан таъкидланган аҳднома олган. Бу аҳдномага мувофиқ, Бану Исроил ҳар бир пайғамбарга иймон келтириши, уни қўллаб-қувватлаши ва унга ёрдам бериши лозим эди. Ҳолбуки, пайғамбарлар келганда, Бану Исроил мийсоқни – аҳдни бузди.

«Ҳар қачон бирор расул уларнинг нафслари истамайдиган нарсa келтирса, бир гуруҳини ёлғончига чиқариб, бир гуруҳини қатл қилар эдилар».

Бану Исроил, одатдагидек, ҳақиқатни эмас, ҳавойи нафсини устун қўйди. Бану Исроил ўз ҳавойи нафсига ёқса, шайтоннинг йўлига ҳам юраверади, ёқмаса, ҳатто у Аллоҳнинг пайғамба́ри бўлса ҳам, қабул қилмайди. Зотан, дунёда ҳеч бир халқ пайғамбарларга уларчалик шаккоклик қилмаган. Дунёда ҳеч бир халқ пайғамбарларни уларчалик ёлғончига чиқармаган ва ўлдирмаган. Шулардан келиб чиқилса, уларнинг Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан қилаётган ёмонликларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу уларнинг асли бузуқликларига далолат бўлиб, шу сабабли ҳам Аллоҳнинг лаънати́га учрагандирлар. Бошқалар ҳам бундан ўрнак олсинлар. Бану Исроилнинг ишини такрорламасинлар. Хўш, Бану Исроил шунчалар ёмонликларни қилишга қилди, балки бу айбларини тан олгандир? Йўқ:

اللَّهُ تَابَ ثُمَّ وَصَّمُوا فَعَمُوا فِتْنَةً تَكُونُ إِلَّا وَحَسِبُوا

بِمَا بَصِيرُ وَاللَّهُ مِنْهُمْ كَثِيرٌ وَصَّمُوا عَمُوا ثُمَّ عَلَيْهِمُ

يَعْمَلُونَ ﴿٧١﴾

«Ҳеч қандай фитна - синов бўлмас», деб кўру кар бўлиб олдилар. Сўнгра Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилди. Кейин улардан кўплари яна кўру кар бўлиб олдилар. Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини кўриб турувчидир» (Моида сураси, 71-оят).

Бану Исроилнинг ҳар қандай гуноҳни тап тортмай қилаверишларининг сабаби ушбу оятда очиб берилмоқда:

«Ҳеч қандай фитна - синов бўлмас», деб кўру кар бўлиб олдилар».

Яъни Бану исроилликларнинг синов, ҳисоб-китоб бўлишига иймонлари йўқ эди. Улар шундай ўтиб кетишларига, амалларининг сарҳисобини бермасликларига қаттиқ ишонар эдилар. Бундай ботил ишонч уларни кўру кар қилиб қўйган эди. Кўзлари ўнгида рўй бериб турган ҳодисалардан ибрат олмас эдилар. Қулоқлари билан эшитаётган нарсалар ҳам уларга таъсир қилмас эди. Ҳеч қандай синов, ҳисоб-китоб бўлмайди, деб қаттиқ ишонишлари уларни шу ҳолга олиб келганди.

Бугунги кунда ҳам, ҳеч қандай синов, ҳисоб-китоб бўлмайди, деб ҳисоблайдиганлар худди Бану Исроилга ўхшаб, кўру кар бўлиб қолади. Уларнинг бу бузуқ фикрлари ҳар қандай гуноҳни тап тортмай қилишларига олиб келмоқда.

«Сўнгра Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилди».

Шунчалик гуноҳларни қилсалар ҳам, Аллоҳ таоло меҳрибон ва кечиримли Зот бўлганидан, уларни кечирди. Аммо улар бундан хулоса чиқармадилар, фурсатдан фойдаланмадилар:

«Кейин улардан кўплари яна кўру кар бўлиб олдилар».

Бу ҳол уларнинг тузалмас дардга чалинганларининг далилидир. Агар уларда заррача яхшилик бўлганида, Аллоҳнинг кечирганига шукр этиб, ўзларини ўнглашга ҳаракат қилар эдилар. Улар яна ўзларининг эски одатлари бўйича, ҳеч қандай синов бўлмайди, деб юрибдилар. Аслида эса:

«Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини кўриб турувчидир».

Ҳаммасини кўриб-билиб, ҳисоблаб туради ва вақти келганда жазосини беради.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди